

Сиз ўзингиздан сўраласиз



13:27 / 18.12.2025 1994

Абдуллоҳ ибн Абду Наҳм Музаний исломга киришни ниҳоятда истар эди. Аммо қавми уни мусулмон бўлишдан тўсиб турарди. Бу йўлда қаттиқ турганини билгач, қавми унинг бижодидан бошқа барча нарсасини тортиб олди. Бу билан уни ўзларида олиб қолишмоқчи эди. Аммо уларнинг бу иши Абдуллоҳни азму қароридан қайтара олмади. У қабиладошларини ғафлатда қолдириб, биргина кийимда Мадина сари йўлга чиқди. Мадинага яқинлашганда бижодини икки бўлак қилиб, эҳром сингари ўраб олди. Етиб келгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирди ва мусулмон бўлганини эълон қилди. Ана шу кундан бошлаб Абдуллоҳ «Зулбижодайн» (икки бижод соҳиби) дея лақаб олди! (Бижод - йўл-йўл кийим).

Табук ғазотида Зулбиходайн розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи васаллам билан бирга чиқди. Бу ғазот Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг энг машаққатли ва энг узоқда бўлган ғазотларидир. Қиссанинг қолганини бизга Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху ривоят қилади:

«Табук ғазотида ярим кечаси ўрнимдан турдим. Кўшиннинг бир чеккасида шуъла кўрдим. Унинг нималигини билиш учун ўша ерга бордим. У ерда Зулбиходайн жонсиз ётган эди. Мусулмонлар унга қабр ковлашган, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам қабрга тушган эдилар. Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумога маййитни узатишларини айтдилар.

Улар маййитни қабр ичига узатишди. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам Зулбиходайни ўз муборак қўллари билан қабрига қўйгач, шундай дедилар: «Аллоҳим! Мен ундан рози бўлдим, Сен ҳам рози бўл!»

Ибн Масъуд розияллоху анху ўшанда: «Қани энди қабрдаги маййит мен бўлсам эди», дея орзу қилган экан.

Кишининг нияти холис бўлса, Аллоҳ уни муродига етказди. Бу қонун. Бу қонунни Аллоҳ таоло еру осмонларни яратган кунида жорий қилган. Бу қонун қиёматгача ўзгармайди!

Зулбиходайн Аллоҳ ва Расулини истаб, бор дунёсини ортига ташлаб чиққан эди. Хизматнинг мукофоти ҳам охирида ниятига муносиб бўлди. Набий соллаллоху алайхи васаллам уни қабрга қўйиб, шаҳидлик китобини ёпиб туриб: «Аллоҳим! Мен ундан розиман, Сен ҳам рози бўл!» дедилар!

Унинг танасини Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумо қабрга узатишди. Бу қанақанги мукофот, эй Зулбиходайн?! Сени тутган охирги қўллар Набий соллаллоху алайхи васаллам билан Абу Бакру Умар розияллоху анхумонинг қўллари бўлди-я!

Аллоҳга олиб борадиган йўл қийин, машаққатли ва узоқдир. Муҳими шу йўлда ўлмоғимиздир. Мана шунинг ўзи аслида йўл ниҳоясига етишдир!

Сиз ҳамма мусулмонлардан сўралмайсиз. Сиз ўзингиздан сўраласиз. Ибодатингиздан, парҳезингиздан, тақвойингиздан, садақангиздан, қизларингиз ва ахлоқингиздан, муомалангиздан, аҳлингиздан, уларнинг юриш-туришидан, ўғилларингиз ва уларнинг намозидан сўраласиз. Сизнинг муаммойингиз мана шу. Сизнинг Аллоҳга олиб борадиган йўлингиз мана шулар. Ким нимага асосан яшаса, шунга кўра ўлади!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.